



ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Фарғонада вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси якунлари, Республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг сессияда сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вилоят фуқароларининг вазифалари муҳокама этилди. Йиғилиш қатнашчилари барчани 1995 йил 26 март куни бўладиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этишга қаҳирдилар. Шунингдек, Хоразм, Жиззах ва Тошкент вилоятларида ҳам шундай йиғилишлар бўлиб ўтди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

10 март куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари Рустам Юнусов БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси бош қотибининг ўринбосари Рожер Лоуренс билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Унда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди.

ЕР ЎЗ ЭҒАСИНИ ТОПМОҚДА

Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида Республикада биринчилардан бўлиб жамоа асосида деҳқончилик қилишдан воз кечдилар. Тумандаги барча жамоа хўжаликлари ўрнида энди яққа деҳқон хўжаликлари ташкил қилинади. 30 минг гектар атрофидаги деҳқончилик қилинадиган далалар ҳақиқий эгалари қўлига топширилади. Ҳар бир яққа деҳқон хўжалигига ўртача 10 гектар ер ажратилмоқда. Яққа деҳқон хўжалиги эгаси нафақат ўз ерига, балки алоҳида ҳисоб рақамига ҳам эга бўлади.

САРЁҒ КЎПАЯДИ

Сирдарё туманидаги "Малика" ширкатлар уюшмаси қошида Исроил давлатининг "ЭИ НАБ" фирмаси билан ҳамкорликда сутни қайта ишлайдиган кичик корхона ишга туширилди. Корхона ўзининг дастлабки маҳсулотларини бера бошлади. Ҳар куни бринза, йогурт, сарёғ, пишлок, қаймоқ ва ўнлаб турдаги ширинликлар сотувга чиқарилмоқда.

МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН

Урганч шаҳридаги вояга етмаган ўсмирларни вақтинча қабул қилиш ва тақсимлаш уйида ўтган йили ўз эли, уйи, ота-онаси бағрини турли сабабларга кўра тарк этган, назоратсизлик ёки оиладаги ўзаро низолар оқибатида тирик етимларга айланган, дуч келган жойларга ташлаб кетилган, ёнки ҳайдаб юборилган 103 нафар бола бошпана топди.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган республика минтақавий семинар кенгаши иштирокчилари мазкур болалар уйида бўлишганида шу ҳақдаги маълумотлар билан атрофлича танишдилар. Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказкуми ва Республика Ички Ишлар Вазирлиги томонидан уюштирилган бундай семинар-кенгашлар ҳозир мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам бўлиб ўтапти.

ҲАМАЛ КИРДИ,
АМАЛ КИРДИ

Ассалому, НАВРЎЗ!



Қўнмилла сийиндм, қўллаб қўқарм,

Шабрғирға дурдан топалмадм сўз.

Омон-омонлашиб дийдор қўрғиндик,

Қалба қўғиб қалдин қўқ далам — НАВРЎЗ.

Шабнат инғоми Наврўзи асжам,

Шунчалар нағрғиндир баҳор — қўзал қўз,

Илоҳий неғматин қўғинма сўғринм,

Илоҳий покдирсан қўқ алам — НАВРЎЗ.

Олим БЕКНАЗАР



Ўз уйинг, ўлан тўшагинг

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси бошқарувининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси якунлари, Республика-

миз Президенти Ислон Каримовнинг сессияда сўзлаган маърузаси юзасидан Жамғарма раиси И. Юсупова доклад қилди. Докладчи ва музоқараларда сўзга чиққан нотиклар сессия материалларини айниқса Президентимизнинг маърузасидаги ижтимоий

сиёсатга оид бандларни чуқурроқ ўрганиб, халқ орасида кенг ташвиқот қилиш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Пленум иштирокчилари 26 март куни бўладиган умумхалқ референдумини қўллаб-қувватлаб, унда фаол иштирок этишга аҳд

қилдилар.

Пленумда Болалар жамғармаси Наманган вилояти бўлимининг етим-есирларга ёрдам бериш борасидаги тажрибалари, янги усул ва услублари муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда

ЎЗ УЙИНГ, ЎЛАН ТЎШАГИНГ

Боши 1-бетда.

Маълумки, Республикада юзлаб болалар уйлари, махсус мактаблар ва интернатлар ишлаб турибди. Уларда ота-онасиз ёки қаровчисиз йўқ болаларнинг тарбияланиши ва вояга етиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Республика ҳукумати бу масалага алоҳида эътибор бериб, тармоқни етарли даражада моддий ва маънавий қўллаб-қувватламоқда. Бироқ ҳаёт шунини кўрсатмоқдаки, энг замонавий шарт-шароитларга эга бўлган болалар уйлари ҳам бола учун ўз уйидек муқаддас ва азиз бўлолмас экан. Вилоятда болалар уйи тарбияланувчилари ўртасида "Менинг орзум" деган сўров ўтказилганда болаларнинг деярли 90 фоизи — ўз уйи, қадрдон оиласи бўлишини орзу қилганлиги маълум бўлди.

Ҳозирги пайтда вилоятда болалар уйлари фаолиятини яхшилаш билан бирга ҳомийлик ва васийлик ишларини ҳам яхши йўлга қўйишга ҳаракат қилинаётганлиги сабаби ҳам шундир. Вилоят болалар жамғармаси бўлими шу кунларда қариндош-уруғлари ва васийлар тарбиясидаги икки ярим минг

боланинг тақдирини бохабар бўлиб туришибди. Ажабланишлик жойи шундаки, ота-онасиз, бошқа оилаларда тарбияланаётган бу болаларнинг 65 фоизи аёло ва яхши баҳоларга ўқийди, 15 фоизи шеър ёзади, расм чизади, ашула айтади ва ҳоказо.

Пленумда васийлик ва ҳомийлик қилаётган оилаларга моддий ва маънавий ердамни кучайтириш, қалбдан мажруҳ болалар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш учун олимлар, ва руҳшўнослар томонидан тегишли қўлланмалар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, таълим-тарбия ишида ушбу оилаларни халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва бошқа муассасалар ёлғиз қўймасликлари, айниқса, маҳаллий ҳокимият органлари уларга бевосита ҳомийлик қилишлари зарурлиги ҳақида гапирилди.

Пленумда жамғарманинг ўтган йилги фаолияти муҳокама қилинди ҳамда жамғарма марказий тафтиш комиссияси раиси Х. Тўхтабоев ҳисоботи тингланди ва тасдиқланди. Турли сабабларга қўра жамғарма фаолиятини четлашган пленум аъзолари ўрнига янгилари сайланди.



И. ИБРОҲИМОВ сурати

Зар қадрини заргар билади

КУТУБХОНАЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН БЎШАМАСИН

Илк кутубхоналар жуда-жуда қадимдан мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳикоялар кўп. У пайтларда китоблар асосан шоҳлар саройида йиғилган, наشريётларнинг бўлмаганлиги ҳар бир китобнинг нодирлигини таъминлаган ва бу китоблар олтин билан баҳолаган.

Умуми учун мўлжалланган илк кутубхоналардан бири бизнинг ўлкамизда 1908 йилда улуг маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан ташкил этилган. Ундан барча толиб илмлар фойдаланишга ҳақли бўлган. Бу кутубхона элнинг маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Ушбу кунларда кутубхоналарнинг бўшаб қолаётганлиги ҳақида бот-бот гапириляпти. Бунга замоннинг ўзгарганлиги, кўпчилик қорини ғамда юрганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Аммо фикримизча, масаланинг иккинчи томонига ҳам эътибор бериш керак. Яъни кутубхонада ҳақиқатан одам оз, лекин унда асл илм билан шуғулланувчи кишиларгина қолган.

Биз бу фикримизга исбот тариқсида Тошкентдаги Алишер Навоий номида марказий кутубхонасида, ТошДУ кутубхонасида, шунингдек, Самарқанд Давлат университети кутубхоналарида бўлганлигимизни ва у ердаги шароит ҳамда китобхоналар аҳоли томонидан танишганлигимизни айтишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, китобхоналар сонини умаллик кўп эмас. Лекин ҳозирги қолган

китобхоналар билан аввалгиларнинг фарқи нимада? Ушбу саволимизга СамДУ кутубхонасида шуғулланаётган аспирант А.Аҳмедов шундай жавоб берди.

— Илгариги китобхоналарнинг кўпчилиги асосан марксизм-ленинизм классикларининг асарларидан, СССР давлат раҳбарларининг нутқидан кўчирма олиш учун, яна бир асосий гуруҳ эса социализмнинг "зарбдор" жиҳатларини тасвирлагани келишарди.

Бу гапларда ҳақиқат уруғлари бор. Бироқ асл илм билан шуғулланувчи олимлар ҳануз кутубхонани тарк этишгани йўқ. Балки уларнинг сони кўпайди. Табиий фанлар соҳасида тарихимизнинг ёзилмаган саҳифалари бўйича талай илмий ишлар ёзиляпти. Нодир қўлёзмалар, нодир нашрлар бўлимларида домини толиблари бор.

Тошкентдаги Марказий кутубхонада Америкадан, собиқ шўро республикаларидан келган олимларни учратдик. Мисол тариқсида америкалик олим Элизабет Константинов собиқ шўро даврида аёлларимизнинг қай даражада ва қайси томонга ўзгарганлигини ўрганаётди.

Ҳаёт давом этаверади, илмо илм ҳам тўқтамасин. Илми тўхтаган юртининг келажаги ҳеч қачон буюк бўлмайди. Бунинг учун илмга, илм масканларига, кутубхоналарга эътибор кучайтириш, илм ҳеч қачон сустлашмайди, жумладан кутубхоналар ҳам ҳеч қачон бўшаб қолмайди. Зеро,

илм-фани эътиборли давлат гуллаб-яшнайд.

Ҳ. САИДОВ

Акс-садо

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Фарзандларининг соғ-саломат, метин иродали ва саботли бўлишлари меҳрибон она-жонларимиз ҳамда оқил оталаримизнинг азалий истакларидир. Гўдак дунёга келар экан, у ўзи билан олам-олам қувонч, шодлик олиб келади, уларимизни нурга тўлдирди. Болаларнинг биргина қулгуси, асалдай ширин сўзи қалбларимиздаги бутун ғуборларни ювиб юборади. Лекин уларнинг қилдек андуҳи, дәрдиҳи? Албатта, юракларимизни ўртади, тоғдек қайғу бўлиб, қалбларимизни қийноққа солади.

Кейинги вақтларда ҳафталикда келажагимиз бўлган болаларнинг соғлигини сақлаш масаласига доир бир нечта мақолалар эълон қилинди. Улар жумласига Жуманазар Бекназарнинг "Фарзандсизлик доғида қуймагин болам," "Биз буюк аждодлар ворисларимиз"

ҳамда Алижон Зоҳидийнинг "Зурриёдларинг соғ бўлсин элим" деб номланган мақолалари киради. Уларда табобат ва жамиятнинг бу-гуни жуда тўғри акс эттирилган бўлиб, менда катта таассурот қолдирди.

Ҳўш, аҳолининг тиббий савиясини кўтариш, авлодлар саломатлигини яхшилаш мақсадида қандай ишларни амалга оширмақ лозим? Менимча, бундай эзгу олижаноб вазифани амалга ошириш учун аҳоли ўртасида тиббий тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Жумладан, "Оила ва жамият" ҳафталиги саҳифаларида ҳам оқориндаги сингари қизиқарли далилларга бой бўлган илмий-оммабоп, тиббий мақолалар давомли равишда бериб борилса нур устига нур бўларди.

Яшн РАВШАНОВ,
Тошкент Болалар Тиббиёт Олийгоҳининг
5-курс толиби

Етти кун

ҚЎЛИ ОЧИҚ "НУРМУҲАММАД"

Замон зайли билан саҳий одамларимиз ўз мурувватларини кўрсатмоқдалар. Бу борада донги кетган Қумқўргондаги "Нурмуҳаммад" савдо фирмаси тумандаги қарийб олти нафар ногиронга ҳар ойда ун, гуруч, ёғ ва шакарни бепул тарқатиб чиқишни йўлга қўйди.

МАРТ БАЙРАМ БИЛАН БОШЛАНДИ

Йил ўн икки ой ишлаб хордиқ чиқаришни биладиган сурхондарёликлар 4-март куни Термиз туманида жойлашган отчопарда қишлоқ ҳўжалик ходимларининг "Ҳосил байрами"ни ўтказишди. Байрам куни савдо ходимлари қатор-қатор расталарда деҳқону чорвадорга камёб молларни арзон нархда сотишни ташкил этдилар.

ИНЪОМ

Хоразмдаги Паҳлавон Маҳмуд номли кичик корхона аъзолари ўзлари ишлаб чиқараётган кишки ва ёзги кийим-кечаклардан бир қисмини шаҳардаги маҳалладош қариялар, беморлар, боқувчисиз қолган оилалар болаларига муборак Йиди рамазон кунларида улашишди.

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Андижон вилояти ҳокимлигида Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб ўзига хос тадбирлар режалаштирилмоқда. Бу тадбирларнинг диққатга сазовор томонлари кишини мамнун этмай қолмайди. У ҳам бўлса уруш қатнашчилари ҳамда байналмилалчи жангчиларнинг ҳар бирини эътиборга олиш, йўқлаш, оталиқ ташкилотларга бириктириш ва ҳар қандай мушкулани осон қилишдир. Эдиликда вилоятдаги ҳеч бир уруш қатнашчиси эътибордан четда қолмайди ва истаган пайтда моддий ёрдам олишга эришади.

МУСОБАҚА

Нукусда "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими ташаббуси билан "Таэквандо" кураши бўйича республика туманлари орасида мусобақа бошланди. Уни ўтказишдан мақсад Орол бўйи фарзандлари саломатлигини тиклаш ва келгусида Қорақалпоғистонда спортнинг бу турини янада кенг ривожлантиришдан иборат.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ
АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

Бир кун бурун эксанг,
ҳафта бурун ўрасан.

16 март 1995 йил

"Оила ва жамият" 9 (181)

Наманган шаҳридаги Ирисбек Назаров номидаги 40- ўрта мактабда бундан 30 йил илгари ташкил этилган ўлкашунослик музейининг довуғи бутун жумҳуриятимизга маълум.

Ўқитувчилик ишининг фидойиси, тиниб-тинчимас география ўқитувчиси Абдуллажон Нуриддинов музейга материаллар тўплашга 1961 йилдан ки-

қадимдан ҳунармандлар, заргарлар, куполлар, қосиблар шаҳри бўлган ва атроф шаҳарлар билан савдо-сотиқ ишлари ривож топган марказ ҳисобланади. Шу тўғрисида ҳар бир хонадонда хорижий мамлакатлардан келтирилган қадимий рўзгор асбоблари, кийим-бош, танга-чақа пуллар ва турли хил чинни асбоблар, тақинчоқлар кўп

алларидан фойдаланиш юзасидан иш тажрибаси ибратга лойиқдир. У музейдаги ҳоҳ осори-атиқалар бўлсин, ҳоҳ саёҳатлар натижасида топишган фойдали



Музейда. А. Нуриддинов ҳикоя қилмоқда.

жон ака Наманган машинасозлик заводи, халқ истеъмоли буюмлари заводи, Электротерм заводи, 28-автокорхона, 10-қурилиш трести, 15-авторемонт корхонаси раҳбарлари кўрсатган ёрдамдан беҳад хурсанд эканлигини айтди.

Мактаб ўлкашунослик музейи ўқувчиларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, чин инсоний ҳислатлар руҳида тарбиялаш маскани сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бошланғич синф ўқитувчиларидан Мадина Кабирова, Мавлудахон Ваҳобова, Нуриддин Қайюмов, Мавлудахон Каримова, юқори синф ўқитувчиларидан Жўраҳон Тошпўлатов, Симахон Соёмова, Мукаррамхон Мелибоева ва бошқалар музейдан ўзларига керакли мавзуларни танлаб, одбонмома ёки бошқа тематик дарсларни ўтдилар. Наманганлик мактаб ўқитувчилари, кўплаб студентлар ҳам музей хоналари ҳақида рефератлар ёзишган. Абдуллажон Нуриддинов музейининг ертўлага жойлашган 6 та хонасида қимматли ҳужжатлар сифатини йўқотаётганлигини ташвишланиб гапирди. У қўшимча хона қуриб бериш юзасидан шаҳар мутасаддиларига ёрдам сўраб ёзилган илтимоси амалга ошишини орзиқиб кутаётир.

Ҳа, ўзининг қирқ йиллик педагогик фаолиятини ёшларни эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга бағишлаган камтарин, саҳий қалб эгаси, олий тоифали география ўқитувчиси, Халқ маорифи аълочиси Абдуллажон Нуриддиновнинг эзгу-ниятлари рўёбга чиқишига тилакдошимиз. Унга ҳавасимиз келади.

Ҳамидулла Йўлдошев,
Республикада хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими,
Ғофур МАННОПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ ДОВУҒИ

риши. 1964 йилда мактаб ўлкашунослик музейи ташкил этилди.

Дастлаб бир хонадан иборат бўлган музей материаллари йил сайин бойиб, қўшимча хоналар очиш эҳтиёжи тузилди. Мактаб педагоглар жамоатчилиги сайй-ҳаракатлари натижасида 1974 йилдан қўшимча хоналар очилди. Ҳозирги кунда ўлкашунослик материаллари 9 та хонадан иборат. Яқинда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишлаган янги бўлим очилди.

Биз музейнинг тарих, маданий-маърифий, табиат, оламга саёҳат, жанговар ва меҳнат шўҳрати, мактаб тарихи, экология, геология ва фонд бўлиmlарини бирма-бир кўздан кечириб, ўқитувчининг, қолаверса, бутун мактаб педагоглар ва ўқувчилар жамоасининг ихлос қилган меҳнатлари гувоҳи бўлдик.

Абдуллажон аканинг ўлкашунослик музейи ташкил этиш тажрибаси, унинг болаларни ишга жалб этиш маҳорати диққатга сазовордир.

Музейимизга материаллар тўплашда ва хоналарни безатишда ўқувчилардан самарали фойдаландим, — деб ҳикоя қилади ўқитувчи. — Ўқувчиларни қизиқтириш учун яхши кўргазмали материал ишлаган болалар суратини, исми ва фамилиясини чиройли қилиб ёзиб қўйдим. Шундан сўнг улар шундай ишлар қилишиди, бунга ўзим ҳайрон қолдим. Ҳатто бир ўқувчим катта фанерга Ўзбекистон харитасини айнан чизиб, катта шаҳарлар ўрнига кичкина лампочкалар ўрнатиб, ажойиб кўргазмали қўрол ясади.

Ўзингизга маълумки, Наманган

бўлган. Буларнинг кўпи ҳозир ишлатилмайди. Шу тўғрисида ўқувчилар бундай буюмларни музейга ҳадя этишди.

Мактаб ўлкашунослари кўп йиллардан буён туман, шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиладиган табиатшунослар конференцияларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишаётир.

Тиним билмас ўқитувчи ўз ўқувчилари билан ҳар йили саёҳат ва походларга чиқади. Унинг айтишича, ёш ўлкашунослар 1956 йилдан буён 69 марта пиеда, велосипедда, машинада, поездда, самолётда турли саёҳатларга чиқибган. Унинг ён дафтаридида қайд этилишича 1979 йилда 13 ўқувчи билан Тошкентга, шу йили 37 ўқувчи билан Шоҳимардонга, 1980 йилда 10 ўқувчи билан Куйбишевга, шу йили 41 ўқувчи билан Арслонбобга, 1982 йилда 13 вилоятга 36 ўқувчи билан, 1983 йилда 8 ўқувчи билан Қарши шаҳрига, 1984 йилда 33 ўқувчи билан Ҳамзаободга, 1985 йилда 12 ўқувчи билан Самарқанд шаҳрига ва бошқа саёҳатлар уюштирилган.

Ўлка бўйлаб саёҳатлар мактаб музейи экспонатларини бойитиш омили-ридан бири бўлди. Абдуллажон аканинг айтишига қараганда, ҳозирги кунда музейда тахминан 16 мингдан ортиқ буюм бор. Шунинг ҳисобига олган ҳолда Ўзбекистон Маданият Ишлари Вазирлиги 1990 йилнинг 19 февралда музейга республика мактаблари орасида биринчи бўлиб "Халқ музейи" номини берди. Шундан кейин экспонатлари янада бойиб, мавжуд хоналар торлиқ қилиб қолди.

Ижодкор ўқитувчи Абдуллажон Нуриддиновнинг ўлкашунослик матери-

қазилмалар, ҳоҳ ўсимлик ёки ҳайвонот олами намуналарини кўрсатар экан, она юртимизга ўқувчиларда муҳаббат уйғотади, табиат ва унинг бойликларини асраб-авайлаш ҳақида тўлқинланиб гапирди. Музейда ўтадиган дарсларни жозибали ҳикоя, дейиш мумкин.

Мактаб ўлкашунослик музейидаги ҳар бир хона ҳақида алоҳида мақола ёки рисола ёзиш мумкин. Музей мазкур мактабнинг, Наманган шаҳри ва вилояти, қолаверса, жонажон республикамиз тарихининг ёрқин кўзгусидир. Биргина "Жанговар ва меҳнат шўҳрати хонаси" бўлими экспонат мавзуларига назар ташласак, "Вилоятимиз меҳнат қаҳрамонлари", "Наманганлик Уруш қаҳрамонлари", "Рейсгаги эгаллаган Каримжон Исоқов", "Волгадаги жангда қатнашган генерал Ф. Норхўжаев", "Гвардиячи старшина Мухаббатхон Исмоилова", "Абдусаттор Раҳимовнинг жанговар йўли", "Мактабимиз фаол ўқувчилари" сингари стендлар эътиборимизни тортади.

Ҳозир Ғалабанинг 50 йиллигига атаб мазкур бўлими янада бойитишга ҳаракат қилинмоқда.

Абдуллажон ака билан музей ҳақида сўзлашсангиз мактаб директори Ёқубжон Набиевдан тортиб, фаррош Мавлудахон Хожибековагача кўплаб кишиларнинг номларини мамнуният билан тилга олади. Айниқса, дурадгор Аҳмаджон Дадабоевнинг 20 йилдан бери рамжалар ясаб, ёғоч ишларини заргарона бажариб келаётгани ҳақида оғзидан бол томиб гапирди. Шунингдек, бундан ўттиз йил илгари музей ташкил этиш ташаббускорларидан бўлган Собиржон Турсунов, Тоҳиржон Сатторов, Дилбархон Зоҳидоваларнинг кўрсатган ёрдамларини мамнуният билан гапирди.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас деганларидек, Наманган шаҳридаги саноат корхоналари ва ташкилотлар мактаб халқ музейини жиҳозлашда моддий ёрдамини аяшмади. Устоз Абдулла-

ҒОЙДАЛИ УЧРАШУВ

Она сайера — ҳаммамизники. Не-не неъматларни инъом этган табиат ёрдамга муҳтож. Уни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг бурчидир. Қолаверса, йирик саноат мамлакатига айланаётган Ўзбекистонимиз учун экологик тарбиянинг аҳамияти беқиедир. Бу борада ёш экосанчилар ҳозирданок кунт билан ўқишлари керак. Тошкент шаҳридаги 305-мактаб лицейи ўқувчиларига жонажон табиатга меҳр уйғотиш, теварак-атроф мусаффолигини сақлаш келгуси авлод олдидаги муқаддас бурчимиз эканлиги тушунтирилмоқда. Ҳозирча Марказий Осиё минтақасида ягона ушбу мактабга 1993 йилда экологик йўналишдаги лицей мақоми берилди. Шундан буён илм маскани экология ва тиббиёт, экология ва иқтисод йўналишлари бўйича ёшларга сабоқ бериб келади. Экологик йўналишда ўқиётган 800 нафар ўқувчи каторида 20 та бошқа вилоят болалари ҳам бор.

Куни кеча мазкур даргоҳда экология ва саломатлик гуруҳини тузишга бағишланган йиғилиш бўлди. Унда халқаро экология ва саломатлик "Экосан" жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов, Республика фахрийлар кенгаши раиси Бектош Раҳимов, Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш вазирликлари ходимлари иштирок этишиб, бу хайрли ишга эндигина қадам ташлаган мактаб жамоатчилигига ва ёшларга куч-қувват тиладилар.

А. ХУДОЙҚУЛОВ
ЎЗА муҳбири



Р. АЛЬБЕКОВ сурати

АЙЁМ АЖУЗ: ТЎҚСОН, БИР КУНИМЧА ЙЎҚСАН

КОДУРЖО

«Оилада руҳий муҳит» руқнини
руҳшунос олим Маҳмуд Иулдош
олиб боради

Она меҳри дилга исм билан сингади

«... Ҳар одамки вужудга келур ва шу кундан эътиборан ҳулки ва табиати унга ҳамроҳ бўлади», дейди Қобуснома муаллифи.

Хулқимиз биринчи ўринда онамизнинг бизга илк қулиб боқишидан, дадамининг қани, бизнинг полвон катта бўб қолитти-ку» деган илиқ сўзларидан шаклланиб дилимизга сингиб боради.

Гўдак туғилган онидан бошлаб атроф-муҳитни эшитиб, ўзининг мурғак онгига эшитганларни «ёзиб» боради ва кейинчалик бунга қачонларидир эшитганман, аммо, эслай олмаيمان», деб юради баъзи ҳолларда. Мана шуларни ҳисобга олиб, боланинг гўдаклигиданок эшитишини унутмасдан унга биринчи ўринда чиройли, маънодор ва шу шахсга мос, лойиқ исм қўйиш лозим.

Бу борада ҳам Қобуснома муаллифи яхши фикрлар айтиб қолдирган: «Эй фарзанд агар сен бола кўрсанг унга яхши от қўйил, чунки, отадаги фарзанд ҳақларидан бири яхши от қўйишдир», дейди у.

Биз замон зайлига қараб ўта камбағал яшадик. Умумлаштиришлар касаллиги туғиш ва туғилишга ҳам таъсир қилди ва ҳатто кишлоқларда ҳам бола туғилиши туғруқхоналарга кўчирилди.

Бола илк бор кўз очиб ўз уйи, ўлан тўшагини кўрса, унинг атрофдагилари бу гўдак туғилганидан қўшни-ю қариндош уруғларга суюнчи олишга югурса, қандай ажойиб руҳ кезади ўшал хонадонда.

Ҳозирги кунда гўдакнинг дадаси туғилиш гувоҳномасини олиб келмаса онани бола билан туғруқхонадан чиқаришмайди. Демакки, боболаримиздан қолган қадимий расм-русумимиз, урф-одатимиз бўлиши боланинг қулоғига исмини айтиб

азон айтиш, амалда ўтказилган қадирда ҳам бузиб бажарилди. Ўрни, дадаси унга аллақачон исм қўяди-ю, бола туғруқхонадан келтирганидан кейин анча вақтдан сўнг бола қулоғига ота ёки бирон тақводор киши азон айтиди, бу ҳам агар катталарнинг ёдидан чиқиб кетмаса.

Бу билан биз туғруқхоналарни инкор қилмоқчи эмасмиз. Улардаги санитария ва гигиена, тозаллик ва тартиб яхши бир ҳолдир. Аммо биз имкон даражаси етиб ҳар бир оила фарзанд туғилиши олдидан уйига врач ва ҳамширани таклиф қила оладиган кунлар тезроқ келишини хоҳлар эдик. Қайси бир бўлғуси она бундай имкониятлар бўла туриб, туғруқхонадан орзу қилади, дейсиз.

Чиройли исм инсоннинг алоҳида бир безагидир. Жозибали, маънодор исми бор кишини болалар-у катталар, қўпчилиги озчилик исмини айтиб масҳара ва калака қилмайди.

Исми чиройли фарзанд оиланинг безаги, руҳий танчларидан бири бўлади. Масалан, ота-она икки дил севгининг нодир меваси рамзида ўғилларига Нодир деб ном қўйишса унга кейинчалик қаттиқ сўз айтишмайди. Нодир фарзандга нодир назар билан қараб авайлаб тарбиялайдилар. Унга севиб орзиқиб қўйган исмлари оиланинг севгисини, оиладаги руҳий ҳолатни доимо яхшилашга хизмат қилади.

Гап шундаки, руҳшунослар тили билан айтганда, оилада қайтарилган, айтилган, такрор-такрор тилга олинадиган ҳар бир сўз оила аъзоларининг дилларида ўз изини қолдириб беиз йўқомайди. Шу билан бир қаторда айтиб ўтиш лозимки, фарзанд оила учун овунчоқ ва ундан ҳам қаттиқроқ қилиб айтганда тирик ўйинчоққа айланмаслиги лозим. Баъзан

болани ўйинчоқдай кийинтириб қўйиб кўз-кўз қилиб тўй ва бозор-учарларда етаклаб юришлар шундан дарак беради. Одатда болани Шарқ удумига кўра кўз-кўз қилинмайди, ҳатто уйга меҳмон-пехмон келганда юзига кўя суртиб қўйишади.

Яна бир томони шундаки, фарзандга ўта жимжимадор исмлар бериб, айтилиқ Мирдилхирож ва шунга ўхшаш исмлар одатда тўлиқ айтилмайди. Бу тўлиқ айтмасликлар айниқса, бизнинг кечаги ўтмишимизда ўзгаларга тақлид қилишлар йўсинида жуда кучга кирган эди. Бизнинг тилимиз ва дилимиз руҳиятига мос келмас бундай уринишлар эвазига Эркинлар Эдик, Маҳкамлар Миша ва ҳоказо кўринишларда намоён бўлди.

Исмларни тўлиқ, тоза ва равоан айтмаслик катта хато. Бунга ёддан чиқармаслик керак. Чунки ҳар қандай сўзининг бир ҳарфини, бир товушини бўзиш, ўзгариш бу сўзининг, айниқса исмнинг жиддий бузилишига олиб келади.

Исм, фарзанд исми оилада гўдакнинг ҳали тили чиқмасидан ҳар кун ижозлаб, минглаб бор ардоқлаб айтилади ва бу айтилишларда оила аъзолари ва айниқса она меҳри билан гўдакнинг дилига сингиб боради. Бу деган сўз, шу исм маъносигада сўз маъноси шахс онгига минглаб бор жо қилинади ва унинг ҳулқига, ҳулқидан табиатига ҳам ўрнаштирилади.

Исмларни бузиб айтиш нималарга олиб келишини мана бу мисолларда кўрса бўлади. Айтилиқ, Тохир сўзи бизга араб тилидан кириб келган ва тоза, доғсиз, ғуборсиз маъноларини беради. Лекин Тохир сўзи бузилиб Тойир ёки Тоир шаклида айтилса, бу ҳолда у учини, учмоқ маъноларига

айланиб қолади. Ва учинчи ҳолда Тохир сўзи яна бир шаклда бузила-са Тохир шаклида, у таъм, аччиқроқ таъмли нарсани англатади ва исм бутунлай бузилади.

Демакки, инсон руҳини шакллантиришда оиладаги муҳит, унинг исмига бўлган ҳурматдан бошланиб бориши лозим. Инсон ўз исмига бошқаларнинг жиддий қарашини ёшлиқдан сезса, бу номни кенг маънода оқлашга бутун умрини фидо қилиб яшайди.

Албатта бу борада алоҳида бир суҳбат лозим, чунки араб сўзлари деб кўпгина чин туркий исмлар, зардуштий номлар унутиб юборилган. Масалан зардуштийларда кўп учраган Анахита — ободонлик, фаровонлик маъносини берувчи исмлар нақадар чиройли. Шунга қарамасдан биз исмларнинг маъносига эътибор бермасдан болаларимизга Ёқуб, ўрисларда Яков, қадим яҳудий тилида маъноси-бедана; Мухийб — арабча кўркичли, баҳайбат, бу ўринда Мухийб бошқа, бу ҳам арабча севувчи, дўст тутувчи демакдир. Маъноси бизнинг тилимизда тез бузилиб кетадиган бундай сўзлар болаларимизнинг руҳиятига салбий таъсир қилмай қолмайди, чунки, биз уларни тўғри талаффуз қилмаймиз.

Она гўдакка айтилган илк алласидан бошлаб унинг номини тўғри талаффуз қилиб бориши нақадар кенг маъно кашф қилади. Чунки мана шу дилдан айтилган аллалар орқали гўдакнинг дилига оила руҳи, ота-она меҳри, Ватан туйғуси ва муҳаббатини сингиб боради. Ота-она руҳини, меҳрини дилига жо қилмаган бола руҳан майиб бўлиб ўсади ва умрбод шундай қолади.

Бир кун

Болажоним

Сабзифуршдан пулининг қайтишини олиб мундоқ қарам, аниқда ўғлим йўқ. Бошқа томонга ўтирдим — йўқ. Таваб, ҳозиргина, сабини халтага солаётганимда ҳам шу ерда эди-ку! Ҳа, ҳар доим бозорга келганимизда нарироқда қувурдан оқиб утадиган сувга бориб қўлини юварди, болача, суви уйқарча, ўша жойга ўз қўлини қамқинди? Шойилло борсам, у ерда ҳам йўқ. Е таваб, биор нарса диққатини тортиб бошқа растага ўтиб кетганимиз? Шойилла бозорини қилиб юрган одамларга қўрилиб-сўрилиб бичоқ-бир бошқа растага ўтдим. Икки томонга бутун вужудим кўзга айланиб алангладим. Ҳозир шўм вақти бўлгани учун бозор айланганлар унча кўп эмасди. Шундан, узокроқда биорорта шарабатсиз турган ёки ҳарид қилмаётган бўлса, назаримга, ўғлим худди ўша одамнинг орқасида қўрқмай тургандек эди. Ўша одам ишини битказиб, уйлига кетгунча умид билан тикилиб турдим. Йўқ...

Асабим ваҳимадан таранглашиб, жисмидаги ботқоқ қўлигидан оқиб чиқиб турди. Безоватдан қўрқувда қолганим атрофдагиларга аён бўлди.

— Нега йилга юрибсиз?— деб сўради бир аёл.

— Ўғлим, ўғлим... йўқ-йўқ...

— Кичкинамиди?

— Етти ешда... Хо-озир, ҳозиргина енимда турувчи... Мен пул бергунимча...

— Ҳа, жуда кичкина эмас экан, — деб гапга қўшилди бир киши. — Ваҳимага тушман, уларнинг қўлига эмасми? Балки уларнинг кетганидир.

— Йўқ-йўқ... дедим ҳамон бозорнинг тўрт томонига олазароқ бўлиб. — Ҳеч қачон ўзини елғиз жўнатмаганман. Уйимиз бу ердан уй бека...

Бозорқўмининг идорасига кириб, радиосидан эълон қилишди, — дедю халиги киши кетди.

Бозорқўмининг идорасига кириб чиққунимча ҳам ҳаёлимда ўғлимни бир ғойиб қўл узукка олиб кетиб қўлдигандек эди. Ҳозир мен кириб айтман, — дедим бир йигит. — Ўғлингизни етти яшар дедингиз-а? Исми нимаиди?

Ақмалжон... Ақмалжон!

Ўғлимнинг отини айтarkanман, юрагим баттаб туғлиқ, аниқда ўғлимни тисламай қолдим. Бозорнинг тўрт томонидан туртта катта дарвоза, уларнинг ораликларидан одамлар ўзлари панжарани бузиб нечта эшик қилиб олганлар. Қайси бирига югуриниб билимайман. Униси томонга бир қадм юрсам, орқа тарафдагисидан ўғлим икки қадм ироқлашиб кетадигандек... Шу пайт бозор радиоқарнаидан:

— Дикхат! Дикхат! — деган овоз эшитла бошлади. — Етти биши Ақмал, аянг сени бозорқўмининг идораси олдига кутаяпти. Етти биши Ақмал, аянг сени.

Эй худо, энди нима қиламан?

Бошимдан сирғилиб тушган рўмолимни тўғирлашга ҳам ҳолим келмай, қўлимга олганча таршимдаги дарвоза томон сударканман.

Озгина кутиб туринг, — деди қўқатлар сотаётган аёл. — Анувини эшитиб келиб қолар, балки қўрғанлар бордин... — кейин аёл ўзига ўзи гапиргандек қўшиб қўйди. Болани маҳкам ўшлаш керак-да!

Қанча кутдим, билмайман йўқ. Болажоним-ей, қоп-қора кўзларинг жовдираб

Болада не айб?

Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани, К. Маркс жомая ҳўжалигида яшайётган дадажонимиз Аҳмад Мустафоевга:

Алло, алло, дадажон, асалому, алайкум! Бу сизимсиз? Нега индамаяспиз ёки таннимадингизми? Мени, ўғлингиз Фаррухия-я... Айтганча сиз билан 4 йилдан бери диорд қўришмадик-а. Ҳозир сиз мен 6 ёшга, акам Феруз 8 ёшга, укам Шохруҳ 4 ёшга тулган. Сизни ҳамма-хаммамиз яхши қўраимиз. Укам Шохруҳ бўлса доим суратингизни қўлидан қўймай "бу менин дадам, ҳеч қимга бермайман", деб биз билан уришади. Шохруҳнинг жудаман қўлоқсиз бола-да. Ҳатто ойим укамга қараб юрасан деб бизларни боғчаннинг битта гуруҳига киритганлар. Шундай бўлсада, боғчада ҳам, уйда ҳам гапга қўлоқ солмай биздан уғринча совуқ сўз ичиб қўяди. Ва тез-тез шамоллаб касал бўлиб туради. Қарабсизки, оймидан ҳамма гапни мен эшитаман. Агар сиз енимизда бўлганингизда меҳрингиз билан илиқ чеҳрангиз билан укамни давблармидингиз... Акам Фе-

"МЕҲРИНГИЗГА ТАШНАМАН, ДАДАЖОН"

рузга сиза жуда маззада. Менинг ҳам акамга ўхшаб тезроқ катта бўлигим келади. Нега десангиз ойм акамга сума, китоб, рўкча дейсизми, ҳаммасини олиб берганлар. Акам музика мактабига боради, унга жудаям хавас қиламан.

Дадажон биз узу-кун боғчада бўламиз. Ойм ҳам ишдан хориб кеч қайтадилар. Бизни доим эркалаб, суйишга қўллари тегмайди. Худди шундай пайларда кечқўрунлари мени, акамни суйиб, эркалаб, сийлаб ўтирганларингиз кўз олдимдан ўтаверади. Баъзан Шохруҳ арзиманган ўйинчоқ деб ҳам мен билан таллашиб-тортишади. Биз билан бирга бўлганингизда уйимизни шубҳасиз ўйинчоқларга қўйиб ташлармидингиз-а, дадажон. Мен-ку энди ўйинчоқ уйнамайман. Оймнинг "ўйинчоқларингиз керакмас, менга телефон олиб беринг, телефон бўлса ҳаммамиз биргалашиб дадаимизни чакраимиз" деб йилғасам ҳам қўлоқ солмайдилар.

Кўзда мактабга борсам, биринчи навбатда ўқиш, ёзишни ўрганиб оламан. Ва сизга доим хат ёзиб тураман. Катта бўлай, қаерда бўлманг сизни топиб оламан. Биламан сиз ҳам бизни қаттиқ соғингансиз. Фақат касал бўлганингизда боис қўришга келолмайсиз, тўғримни дадажон. Мен-чи, мен жуда кў-ўп шеър, ашуларани биламан. Гоҳида ойм чарчаб, боши оғриб турганларидея шеър ёки ашула айтиб берсам чарчаклари тарқаб, тўзалиб қоладилар. Сизгаям ўрганган ашуларимдан айтиб берсам, тўзалиб қоласиз.

Яқинда ойм укам иккалаимизни дўхтирлари бор яхши боғчага жойлаштиридилар. Бу ерда сиза мен орзу қилган телефон бор экан. Боғча опамларга билдирмасдан секин телефоннинг олдига бордим-у, сизга кўнгиоқ қилишга шошилдим. Дадажон, мен шунча гапирарман-у, сиз сиза ҳамон жимсиз. Еки гапларимни эшитганингиз келмайтими?

Алло, дада, дадажон гапирсангиз-чи, ҳали боғча опам келиб қолса мени уришадилар. Ҳаммамиз сизни қаттиқ соғингансиз, меҳр-муҳаббатингизга жудаям ташнаимиз. Бизникига келинг. Уришган бўлсангиз, аям билан уришгандирсиз ё бизни ҳам ёмон кўрасизми? Лекин, аям сиз ҳақингизга сираям ёмон гапирмайдилар. Сизни жуда, жуда кўрим келаяпти, гапирсангизчи, алло, алло...

БИР КҮНЛИКДАН ҚОЛДИНГ —
БИР ЙИЛЛИКДАН ҚОЛДИНГ.

ёшга тулиб қаерларда юрибсан экан?" Чўнтағида рўмоличам йўқ экан, қўлимдаги рўмолга қўшим ботиб сидириб оғим торган томонга беҳуш судрадим. Ичимда тинмай ўзим билан ўзим уришардим: "Бозориям қўриб кетсин. Бир кун сазисиз овқат қилсам, осмон узилиб борга тўшармиди? Ўш болам мен билан бозорга келишимни хошламаганидир. Аяжон, сиз биор келаверинг мен варағимни ясаб туратаман", — деса, "Ҳар кўб бидан варазк асасангиз учмайтти-ку! Яна бекорга вақтингиз ўтказиб нима қиласан?" — дебман. "Шуниси учади, аяжон, билиб турибман. Сиз ўзингиз бориб келаверинг", — деди-я. Ҳах, зикналимиз курсин, уйда ёлғиз қолса, нарсаларга сўроқсиз тегеди, бетартиб, ифлос қилади, деб ўйлаб судрагандек олиб келгандим-а...

Бозорда судралаверишини маънисини қолмади, атрофидогилар ҳам ким тасалли, ким маслаҳат бериб ўз йўлларига кетишди. Шунда халигина кичингидир: "Балки уларнингизга кетгандир", — деган гапи ёдимга тушиб қўнғилмда омонатини илмиск уйғонди. Автобус бекатига борарканман. Борлигини қараклиқ қоллаган, атрофидогилар ҳамма нарсаси узмай қўнғилмда йўқотган, "Факатгина ўғлим топилса баст" — деган қўрқувга қоршиқ илтижогина қолганди дилимда. Мен бозор иилини олган автобус жойидан қўзгаларкан, "Ўйга борсам, йўқ бўлса..." қайтиб келгунимча бу ерлардан у кетиб қолса... Ҳар шў одамлар билмас... — на машинани тўхтатиб тушиб қолшини, на биор одамдан нажот сўрашини билмасдим. Қўнғилдаги турхалтада ховчгина сабзи, шўам елкамини ерга тортиб берапти. "Мана шу халта ўлғурни уйга қўйиб чиқиб, мелисага борсаммикан..." Шунда бирдан едимга тушдики, унинг қалдири мена эмас, ўғлим ҳар доимгидек ипидан бўйнига осиб олганди. — Э-э, калит йўқола-а! йўқолиб кетгандим, у элгизини узмай қирқас ҳам бўлади, ўғлим топилса бўлгани... Автобус уй бекаг йўли босгунимча, назаримда, дуне бир айланди. Оёқларим чалқшиб, қўзим олма-кеса териб, йўлни кесиб ўтдим. Анави унинг орқасидан ўтиб, ўртадаги болалар майдончасига қичиб олсам, нариги ёғи... уйимиз. Узоқдан турчини, қаватдаги уйимизнинг деразасига бир ўмжазга қўнғилдан тикилиб борарканман... Дунёнинг энг жарангдор кўнгиоқларидан ҳам жарангдорроқ товуш:

— Аяжон! — деб чакирганидан мени мен қилиб турган барча сезгилар, куч-қувват, ғиз-туйғу, осийишлайлиқ руҳимга қайтди. Гуё қоронғу горда қолган эдим-у, горнинг томи бирдан ўғирлиб тушиб, ичкарига ораққан офтоб нури тушди. Майдонча четидан ўғлим турарди, қўзи бир денба, бир осмонда, шодлигига сиймайди.

Мен "Айланай, айланай!" — деб озгизимча шўр таъми сезила бошлаган қўз ёшларимни қўлда сидириб у томонга борарканман, ўғлим осмонга ишора қилиб менга суюнқилди:

Аяжон, айтдим-ку шуниси учади, деб. Ана, қаранг, осмонга қаранг, аяжон!

БОНУ

Куклам таомлари

КУК СОМСА

Оширилган хамирдан ёнгоқдай-ёнгоқдай зувалачалар қилиб, жува билан қалинлиги 1 сантиметр этиб ёйилади. Янги уйиб чиққан исма-лок, ялпиз, йўнғичка, жағ-жағ ва шу каби кукталарнинг барг пояси, кук пиез (ош пичоқда майдаланиб) аралаштирилади. Қиймага туз, қалампыр, жазза ёки пахта ёғи қў-шилади. Тайёрлан-ган жилда бир ко-шикдан қийма со-либ, тугилади ва тандирга ёйилади. Ёки газ печкасида пиширилади.

КУК БЎГИРСОҚ

Бир дона тутум солиб қилинган ха-мир ошгач, кичик-кичик бўлақларга бў-линади. Зувалача-ларни жувалаб, май-да тўграб қовурил-ган кун жилд урта-га боласиз-да, че-тинчи чегириб бука-сиз. Бўгирсоқларни қиздирилган пахта ёғига ташлаб пиши-риб оласиз.

СУМАЛАК

Сумалак энг сер-тамин хушхўр та-а бўлиб, уни пиши-риш усули хўйидаги-ча: қизил бугдой то-заланиб, совуқ сув билан ювилади, сун-гра сирли ёки зан-гламайдиغان идишда 3 кун ювиб қўйи-лади. Бугдой ниш ургач тоза тахта устига 1-1,5 санти-метр қалинликда ёйилиб, еруроқ, лекин куёш тегма-йдиغان жойга қўйи-лади. Бугдой уйиб чиққунга қадар ҳар кун арталаб сув се-либ турилади. Буг-дой майсаси игна бўйи бўлгач уни бу-чарга бўлиб тах-ли ажратиб оли-нади. Майса қийма-ланади. Ва тавона-да тугйилади, усти-дан сув қуйиб шар-бати доқадан сузиб олинади. Шу тариқа 3 марта шарбати олиниб алоҳида идишларда сақлана-ди. Сунгра катта дош-озонда пахта ёғи

доғлиниб бироз совутилади. Би-ринчи еққа уни ва сузилган шарбат аралаштирилади. Ва баланд олов-да қайнатилади. Сунгра иккинчи су-зилган шарбат қўйилади. Бу ҳам қайнагач, учинчи сузилган шарбат қўйилиб, баланд оловда қайнатиш давом эттирилади. Сумалак тағига олмаслиги учун қозонга 15-20 та ёнгоқ ёки ёнгоқдек келадиган сил-ли тошчалар ювиб солинади ва ёгонг калгир билан бетўхтов ко-

лаб турилади. Сумалак 10-12 соат қайнаши лозим. Сумалак пишгач, қозон тағидан олов олиниб, 2-3 со-ат давомда димлаб қўйилади. Тайёр сумалак оч жигарранг, ку-ёқлиги аталадек, мазаси ширин бу-лади. Сумалак тайёрлаш учун ҳар бир килограмми бугдойга 2 килограмми пахта мойи ва 4 килограмм оқ буг-дой уни миқдорда олинади.

ДИЛБАР тайёрлади



Маслаҳат

Кучадан келганингиздан сунг, албатта, оёқ кийимингизни ечиб, уни ифлосдан тозалаб, артиб, киймасангиз ичига қоғоз тийиб алоҳида олиб қўй-сангиз, оёқ кийимингиз ўз тузилиши, қўринишини

кийимни сутга ботирилган латта билан артиш қифоя. Сариқ, жигар ранг, қи-зил рангли чарм оёқ кий-имларни ацетон, скипидар номли суюқликка сут ара-лаштириб артсангиз дар-хол ўз холига келади. Дар-

Изох: Ацетон-тиник, ран-гсиз суюқлик, Дарахтлар елими қўлингизга епишиб қолса, бензин, ҳатто совун билан ювсангиз ҳам кет-майди. Ацетон эса дарров тоза қилади. Шунингдек мой, нитролақлар ҳам аце-

ОЁҚ КИЙИМ ПАРВАРИШ

бузмай узоқ чидайд. Қиш кунлари намгарчи-ликда ҳам лой ва ифлос-дан тозалаб, хўл бўлса ку-ритинг. Лекин иссиқ печ-лар яқинига қўйманг. Пой-афзал халдан ташқари ку-риб, сифатини йўқотади (яроқсизланади). Оёқ кийимларини крем-лашдан олдин тозалаб, қўғларини кетказмоқ дар-кор. Доғни кетказмоқ учун совуқ сувга совунни қўпи-риб пойафзал латта билан секин ишқалаб ювила-ди. Сунг қуруқ латта билан артилиб 3-4 соат қуриб қўйилади. Доғлар сарғайиб эскирган бўлса, бензин, лимон суви ёки пиез суви билан тозаланади. Лакланган оёқ кийимлар ёзда тез юмошқоқлашиб, ўз тузилишини йўқотади, қиш-да эса совуқдан ёрилади. Шунинг учун илиқ-иссиқ кунларда кийган маъкул. Лак оёқ-кийимларни кремлаш мумкин эмас. Бундай оёқ кийимларни кў-чадан келгандан кейин юмошқ қоғозга ўраб олиб қўйилса, лаки бузилмайди. Тозаланганда кесилган пие-з бўлаги, юмошқ пахталик латта билан артиб тозалаб керак. Тухум оқи билан артса яраклаб туради. Чарм оёқ кийимга қан-дай қараш керак? Эскирган чармли оёқ

хол рангига мос крем сур-тилса, янгидай бўлиб қо-лади. Оёқ рангдаги чарм оёқ кийимларни ҳам сут ёки ўчиргич билан артсангиз тез тозаланади. Оёқ кийимингиз нам тортамаслиги учун Қўй ёғи, скипидар, пах-та ёғи, парафини маълум миқдорда тенг қўшиб ара-лаштириб, паст оловда қиздирилади. Яна бир йўли: 50 грамм парафин, 100 грамм алиф, 100 грамм резина клеини темир идишда паст олов-да эритиб, яраклаб тури-ши учун 100 грамм кастор-ка ёғи, ёки 100 грамм ски-пидар қўшиб, аралашмини пойафзалнинг тағи-устига яхшилаб суртиб, бир неча кун сақланг. Нам тортадиган оёқ кий-имларни ҳар мавсумда шу йўсинда икки марта суртиб туриш керак. Агар пойафзал оёгин-гизни сикаётган бўлса Сочикни қайнаган сувга ботириб, скиби ташлаб оёқ кийимни бир неча дақиқа ўраб қўйинг. Ундан сунг оёқ кийимни ўралган со-чикдан олиб, пахта ёғи би-лан ич-сиртини яхшилаб артиб, шу ҳолда бир кун қуйиб қўйинг. Шундан сунг пойафзал оёгингизни асло сикмайди.

тонда эрийди. Скипидар -- ацетонга ўхшаш суюқлик бўлиб, мах-сус тайёрланган ҳолда ҳў-жалли магазинларда со-тилади. Мойли буюё, алиф мойи доғларини ҳам кет-казида. Лимон кислотасининг шаффоф кристаллари мут-лақ хидсиз, оғзингизга солиб қўрсангиз нордон маза беради. Лимон кис-лотаси тузлари сувда яхши эрийди. Бу эритма билан занг доғини, баъзи буюёқлар, сиёх ва мева доғи-ни кетказиш мумкин. Исмоил ОРОЛОВ тайёрлади

Табриклаймиз!

АЗИМ МАТЛЮБАХОН!
Туғилган кунингиз муборак. Узоқ-ўмр, тани соғлиқ сизга ер бўлсин. Чехрангиз нурга, қал-бингиз шодликка тўлсин. Сизга бахт-саодат, садокат, омад тилаймиз.

Дераза

ЭНГ КЕКСА АЁЛ

Ер юзидagi энг кекса аёл 120 ёшли француз аёли Жанна Кальман эмас, балки шу йили 5 март куни 124 ёшини нишонлаган бразилиялик аёл Мария ду Карму Жирониму бўлиб чиқди. Бу аёл ҳозир Бразилиянинг Сан-Паулу штатидаги Компанья шахрида истиқомат қи-лаяпти. Мария хонимнинг соғлиғи яхши, хотираси анча кучли. У ўзидан тўрт ёш кичик бўлган француз аёли Жанна Кальманни Гиннес рекордлар китобида кири-тилганини ноҳақ деб ҳисобламакда.

ЖИНОЯТЧИ СЕНАТОР

Италияда шу йилнинг 26 сентябр куни 7 марта дав-лат ҳукуматини бошқарган, 21 марта министрлик ла-возимларида ишлаган, эндиликда жиноий гуруҳ билан алоқадор деб топилган Сенатор Джулио Андреотти-нинг суди тайинланди. Италия ва чет эл матбуотчила-рининг хабарига қараганда, қўйлаётган айблар исбот-ланса Андреоттини жуда ҳам хунук жазолар кутмоқда.

МУСТАҲКАМ ТИШ...

Жаҳон статистик маълумотларига қараганда, биз-нинг планетада яшовчи одамларнинг ҳар тўрттасидан биттаси касалланган тиш "соҳиби"дир. Бу воқеа ҳа-йвонот оламида бутунлай бошқача, ҳатто уларнинг кўп-чиликлари тишлари ўз-ўзидан ўткирлашиб ҳам ту-ради. Бундай хусусиятга эга бўлган тишлар энг мус-тахкам ва ўта чидамли бўлиб, Ақулага ўхшаш йиртқич ҳайвонларга мансубдир.

"Джапан таймс" номли япон газетасининг ёзишича, Япония олимлари бугунги кунда ўша ҳайвонларники-дек мустаҳкам протез тишлар яратиш йўлида изланиш олиб бормоқдалар. Уларнинг таъкидлашларича, бу изланиш яхши натижа бериши аниқ.

ЯЛҚОВ ТАЛАБА КЕРАК?..

Нижний Новгород медицина академияси ялқов, икки-чи талабаларни хуш қўрадиган бўлиб қолди. Бу "ғаро-йиб" хуш қўриш ўтган йилнинг сентябридан бошлан-ди. Академиянинг илмий кенгаши имтиҳонни қайта топ-ширмоқчи бўлган талаба 75 минг рубль жарима тўла-ши кераклиги ҳақида қарор қабул қилган эди.

ЙЎҚОЛИШ

Уфа шахрининг Шота Руставели кўчасидаги канали-зация қудуқларидан бирга тушиб кетган I-синф ўқув-чиси Максим исзис йўқолди. Максимнинг отаси у ту-шиб кетгандан кейин бир неча дақиқа ўтгач, ўша жо-йга келади. Лекин отасининг ҳам, кейинчалик ёрдам-га етиб келган "Водоканал" хўжалиги ходимларининг ҳам уринишлари бекорга кетди, бола топилмади. Ҳо-зиргача шахар канализация қувурларининг деярли бар-часи текширилмоқда, аммо боладан дарак йўқ. **Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди**

Ҳурмат билан турмуш ўрто-гингиз Шокиржон, фарзандла-рингиз Маликаҳон ва Шавкат-беклар.

ОИЛА

24 ЁШДА

Тошкент шаҳрида яшай-ман. Тошкент халқ хўжали-ги олийгоҳини тугатганман. Ўзимга муносиб, ёши 19 дан ўтмаган, вазмин, сочи қирқилмаган, пазандалиқни жойига қўя оладиган қиз-ни учратсам деган умид-даман. Бирон-бир техникумда

ўқийтган бўлса яна ҳам яхши. (Қайси шаҳарда яшашидан қатъий назар). "Оила-402". 41 ЁШДА Қашқадарёданман. Касбим -- олий маълумот-ли ўқитувчи. Оилам билан ажрашганман. Ўзимга мос, тушунган, одобли, ҳаёли, 40 ёшгача бўлган аёл билан танишиб, оила қуриш истагидаман. Ичмайман, чекмайман. Оила қурсак қўчиб ўтиш-га ҳам розиман. "Оила-403".

БИР ЙИЛ ТУТ ЭККАН КИШИ, ЮЗ ЙИЛ ГАВҲАР ТЕРАДИ.

Жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи* васалламдан "Ибодатнинг қандай бўлгани маъқул?" — деб сўрашганларида, "Баъжарилиши осон бўлган ибодат ҳаммасидан маъбулроқдир" — деб жавоб берган эканлар. Ўзларининг оёқлари шишиб кетгунига қадар ибодатда тик турсаларда умматлари учун дастлаб юборилган 50 маҳаллик намозни 5 маҳалгача камайтиришни парвардигордан сўраб олган пайғамбаримиз умматлари учун энг раҳмдил зот эдилар.

Расуллоҳнинг шунчалар бизга ғамхўрлигига қарамай, инсонлар азбаройи нодонликларидан ўзлари учун сунъий равишда бидъат ва жаҳолат аралаштирилган оғир йўлни

танладилар. Йиллар ўтиши билан модернизацияга учраган айрим анъана ва урф-одатларимизга хурофот аралашди.

Жумладан, бирорта одам бандаликни бажо келтирди, дейлик. Майитни тупроққа топшириб, бир йилгача унинг расм-русумларини адо қилгунига қадар оила аъзолари жуда катта сарф-харажатга тушишади. Худди жоҳилият давридагидек, ёқаларини йиртиб, айюҳаннос солиб йиглаганлари етмаганидек, гўё савоб умидида дошқозонларга ош дамлаб, мотамхонага келганларга улашади. Бу ҳам камлик қилганидек, азани ҳовлидан-ҳовлига, марҳумнинг узоқ-яқин қариндошлариникига кўчириб, дод-фарёдлар давом

этирилади. Ваҳоланки, Расулалайҳиссалом: "Қариндошлари увос солиб йиглаган майитнинг юзини фаришталар қибладан тескари қилиб кўяди" — деб каромат қилганлар.

Мусибат хонада қозон осиб дастурхон ёзиш, таъзияга келганларни боқиш тўхтовсиз уч кун, азанинг еттинчи, йигирманчи ва қирқинчи кунларида ҳам кузатилади. Унда ташқари ҳар пайшанба кунлари бу ҳолат тақдорланади. Муқаддас динимиз мусибат кунлари мотам хонада дастурхон ёзиб зиёфат уюштириш ва ибодатдан четлашишни энг қабиҳ ва макруҳ бидъат сифатида талқин қилади.

Майит лаҳадга қуйилади г а н маҳали йигилган л а р г а ҳ а й р а т

тарқатиш удуми ҳаммасидан ўтиб тушади. Хайрат — бу барча йигилганларга тарқатиладиган маълум қийматдаги пул бўлиб, гўёки марҳумга катта савоб бахш этар эмиш. Ваҳоланки жанозадан чиққач уч-тўрт улфат хайрат пулига ароқ, вино олдириб, ичишганининг бир неча бор гувоҳи бўлганмиз. Шундай экан, бунинг савоби кўпроқми, увалими? Бу қабиҳ хурофотнинг орқасидан азордорларнинг қарзга ботишини нима билан оқлаш мумкин? Айни замонда Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарёда кенг тарқалган бу удум пайғамбаримиз кўрсатмаларида ҳам йўқ-ку, у қаердан, қачон, нима мақсадда пайдо бўлди? Наҳотки дин пешволари, масжид уламолари жойларда бу одатларини кўриб-билиб ҳам лом-мим демайдилар.

Исломинини фақат марҳумнинг жуфти ҳалоллигига тўрт ой ўн кун аза тутиб идда сақлаши, қолган қариндош уруғларига эса унчинчи кундан кейин одатдаги кийим бошларини кийиш тавсия этилади. Бизда эса марҳумга озроқ тааллуқли қариндош-уруғлари ҳам бир йилгача қора, кўк кийиб аза сақлаб юришади.

Мусулмонларнинг энг улуғ байрамлари — ҳайит кунлари ерга Оллоҳнинг раҳмати ёғилиб, бандаларнинг дуолари, ибодатлари қабул бўладиган кундир. Ҳақиқий савобни гуноҳдан ажратиб ололмайдиган бидъатпараст кишилар эса бу кунни ҳам ибодат ўрнига азордорлик ва йиғи-сиғи билан ўтказишади. Азанинг бир йиллиги кунда эса йил оши бериб, қабр бошида

Кўзгудаги ўзимиз

ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР

ҳам дод-вой солишади.

Инсон ҳақиқатан ҳам ўз-ўзини азобловчи, осон йўл турганда қийинини танловчидир. Ҳеч бўлмаса тўй-ҳашамларимизни олиб қаранг. Битта тўйни бутун удумлари, расм-русумлари билан адо қилгунича ингичка узилиб, йўғон чўзилади. Бир неча кунлаб ош берган тўй эгаси бир неча йиллаб қарз узишига тўғри келади. Жумладан, никоҳ тўйларининг нон синдириш, фотиҳа қилдириш, никоҳ қийдириш, парча бичиш, ЗАГС тўйи, қариндошлар маслаҳати, қиз оши, келинникида тўй, никоҳ кечаси, куёвникида тўй, қўда қариув каби бир неча босқичлари борки, баъзан ҳар бир босқич алоҳида тўйдек дабдабаю харажатлар билан ўтади. Бир ҳовуч казо-казолардан орқада қолмайин деб азму-қарор қилган бечора ишчи, деҳқон эса дарҳол инфарктга учрамаса-да, анча соғлигини йўқотади, ёш оилалар соғуқликлар оралайди.

Ҳозирги ўтиш давридаги вақтинча иқтисодий қийинчиликларни тақчиллиги, қаҳатчилик деб жар солувчилар мана шундай исрофгарчилик ва катта харажатли маъракалар ўтказиб бунга ўз ҳиссаларини қўшаётганликларини ҳам унутмасалар бўларди.

Диёримизда тоза дунёқарашлар шаклланиб келаётган бугунги кунда на диний, на дунёвий жиҳатдан тўғри бўлмаган айрим удумларимиз, анъаналаримиздан, энг муҳими бидъат ва хурофотлардан воз кечишни вақти келмадимикан?

Алижон ЗОХИДИЙ, Тўлқин НОРМУРДОВ



нарсани кўрибди. Қўлига олиб очса бир даста нон эмиш. Нонни оёқлари остига қўйиб, тоқчада йиғлаб ётган болани кўтказмоқчи бўлибди. Шунда бирдан болалигида ота-онаси айтган, гап, яъни "Ноннинг бир увоғи ҳам нон-у, йимон, уни исроф этма. Ерда ётган кичик увоғини кўрсанг, кўзингга суртиб, шундай жойга қўйки, токи паррандаларга ризқ-рўз бўлсин!" деган панд ўғитлари эсига тушиб дарҳол бу фикрдан ҳам қайтибди. Бола чинқиргандан чинқириб

йиглармиш, ҳалиги одам эса, уни қандай қилиб олишни билолмай ҳайрон эмиш. Кейин "Бор-е, таваккал", дебди-да китобни оёғининг остига қўйиб, болани тоқчадан олибди. Бола талпиниб

талпиниб онасининг сийналаридан оқиб турган сутни тўйиб-тўйиб эмибди. Бундан таъсирланган ҳалиги одам бақириб йиғлаб юборибди. "Эй худо, шу пайтгача қилган гуноҳларини етмасмиди, яна гуноҳга ботирдинг-ку ахир. Илғари гуноҳларимни ювиш, тавба-тазарру қилиш учун ҲАЖГА кетаётган эдим-ку! Энди Қуръони Шарифни оёғим остига қўйиб, баттар гуноҳга ботдим. Яхшиси, менинг жонимни шу ерда ол-да, танамни дўзахнинг етти кундасида куйдира қол" — дея оху-нола қилибди. Шу маҳал — ваҳийдан "Эй, бандаси Осий, сен китобни оёғинг остига қўйиб, тоқчадаги болани кўтқариб тўғри йўл тутдинг. Шундай қилмаганингда бола йиқилиб ўлса гуноҳларингга яна гуноҳ қўшилирди. Чунки норасида гўдакни кўра-била туриб, ўлимига сабабчи бўлиш, дўзахнинг етти кундасида қуйишдан оғирроқдир. Оёғинг остига нонни қўймай ҳам тўғри қилдинг, чунки нон еб қорин тўйсагина китоб сўзлари қулоққа чалинади. Оч қоринга китоб сўзлари кирмайди. Бугун сен ўша гўдакни кўтқариб қилиб, жуда катта савоб иш қилдинг. Демакки, гуноҳларингнинг ҳаммаси ювилди. Бундан буён ҳам қайда бўлмасин, савобга қўл ур, деган садо келибди.

"Асотирлар ва ривоятлар" китобидан

Қадимда бир одам қирқ йил ўғирлик қилибди, бу давр мобайнида қилмаган ёмонлиги, йўл қўймаган гуноҳи қолмабди. Ёши бир жойга борганда "шунча йил гу-


ноҳ қилдим, одам ўлдирдим, ўғирлик қилдим. Энди ҲАЖГА бориб, МАККАЮ МАДИНАДАН гуноҳимни сўраб келай, деб хуржунига еттита нон, етти чимдим талқон солиб, йўлга тушибди. Чўлда кетаётиб нони тугабди, суви қолмабди. Бир жойга борса узокдан эскирган уй кўринибди. Ўзича кел, шу уйга қирай бир нафас дам олиб, нон-пон бўлса бироз тамадди қилиб, кейин яна йўлда давом этаман, деган ният билан уйга кирибди-ю, ҳайратдан қотиб қолибди. Уйнинг ичида бир аёл ўлиб ётган экан. Сийнасида сут оқиб турган эмиш. Тоқчада эса, бир норасида гўдак чинқириб йиғлаётган экан. Бир илон тилини чиқара-чиқара деворга тирмашиб, бола томонга келаётган эмиш. Ҳалиги одам нима қилишини билмай дастлаб шошиб қолибди. Бироздан сўнг ўзига келиб илонни ўлдирибди. Аммо болани олай деса тоқчага қўли етмабди. Бурчакда турган бир насага кўзи тушибди. Қўлига олса, рўмолга ўроғлик китоб-Қуръони Шариф эмиш. Уни оёқлари остига қўйиб, тоқчадан болани олмақчи бўлибди. Шунда ота-онасининг "Қуръони Шариф муқаддас китоб, уни таҳоратсиз қўлингга олма, гуноҳга ботасан", — деган панд-насиҳати эсига тушиб, бу ниятидан қайтибди. Бошқа бурчакка қараб рўмолчага ўралган яна бир

Савоб ва гуноҳ

ПОКЛАНИШ

16 март 1995 йил

«Оила ва жамият» 9 (181)



Р. Альбеков сурати

Дуне дуне бўлибдики, уруш деган офатдан халос бўлолмади, ҳаммаша қайсидир бурчида қон тўкилиб туради. Энг олий мавжудот ҳисобланмиш инсон ўзининг ожизлиги натижаси бўлмиш бу қора балони тинимсиз лаънатлайди-ю, ундан мангута қутилиш йўлини тополмади. Уруш одамзот бошига шўриш бўлиб егилади, ҳаловатини олади, шунингдек, Оллоҳнинг энг улуг нёмати-умрига ҳам яқун ясайди. Шундайин ба-ло бу уруш...

У малъун баъзан кишининг оддийгина инсоний тақдирга ҳам ҳукм ўтказиб, уни ўзгартириб юбориши мумкин. Ҳа, унинг шунақа аянчли, қалтис ҳазиллари ҳам бор.

Жонободлик (Избоскан тумани) Абдужаббор бува Машрабов 1942 йилнинг бошларида қўп қатори фронтга чақирилди. Дастлабки кунларданок Сталинград жанггоҳларида урушга кирди. Тарихдан маълумки, Сталинград Ҳимояси жаҳон урушида бурилиш ясаган, энг оғир қирғинларга сабаб бўлган. Еш Абдужаббор ҳам ана шу жангларда иштирок этди, ўша қирғинбаротларнинг бирида у бомба остида қолди... Шу бўйи Волга дареси бўйидаги Дубовка госпиталида кўзини очди... Айтишларича, ярадорларни те-риб юрган ҳамширалар уни тупроқ ости-дан қовлаб олишибди. Бир неча жойи оғир шикастланган экан.

Абдужаббор шу-шу госпиталда бир неча ой етиб қолди. Оғир жароҳатлан-

қайтиб келди.

— У пайтлар урушга боришдан бўйин товлаган одамлар ҳам бўларди. — дея ҳикоя қилади Абдужаббор бува. — Ботиробод тарафда ана шуларнинг бир — нечаси яшириниб юришарди. Уларнинг орасида менинг оғайним ҳам бор эди. Мабодо, уларнинг бирортаси бозор-позорга чиқмоқчи бўлишса, менинг ҳужжат ва медалларимни олиб юришарди. Бўлмаса, кўчада, патрул ушлаб олиб, ўша ерданок тўғри урушга йўлларди-да, мен эса урушда бўлганман. Ҳужжатимда бу езилган.

Ўзбекининг шунақа кўнгилчанлиги бор-да. Абдужаббор ким сўраса ҳужжа-тини бериб тураверди (У пайтлар ҳуж-жатда сурат бўлмасди), ахир, ўз оғайниси ҳужжат-у медалларини йўқотиб келди. Ана энди ешинг неча-далигини ҳам худодан сўрайвер. Бир кун Абдужаббор ҳужжат ездирди илжинида комиссариатга боради. У ер-

бўлган ер қимирлаши оқибатларини ту-гатиш ишларида қатнашади. Ниҳоят, 1952 йилда у ўз она Ватанига қайтди. Абдужаббор буванинг айтишича, у Фарғона канали, «Фарҳод» ГЭСи қурилишларида иштирок этган. Машҳур Али полвон ҳам бирга ишлаган. Иккинчи бор ҳарбийдан қайтгач, кол-хозда пахта тозалаш заводидида ишлаган. 1987 йилда баъзи яхши одамларнинг кўмаги орқали оддийгина қарилек на-фақасига чиқишга эришди.

— Қалай, бува, ўтган умрингиздан ро-зимисиз? — дея сўраймиз кўзларига мунг тўла отахондан.

— Нима ҳам қила олардим болам! Аммо дунёга гўр келиб гўр кетаётган- нима ачинаман. .. Ҳозирги кунда еш-еш одамлар ҳам пенсияга чиқишяпти. Биров сўраб-суриштирмай ҳам. Мен-га-ку пенсияни кераги йўқ, битта қоримни ҳунарим билан ҳам тўйгаза оламан. Фақат... Ҳа майли, барча омон

Атрофда кўндир киши...

УРУШДА "ЯШАРГАН" ОДАМ

"ББ"

ЁЛҒИЗЛИК АСИРИ

ЁКИ ТАЛАБАЛИК ҲАЁТИДАН

Ёлғизлик... Мендан бошқа ҳеч ким йўқ хонада... Инсон нима учун ёлғизликка интилади? Бу саволни такрор-такрор ўзимга бераман.

Ёлғизлик...

Бу мен учун дард. Бу дард билан тугилганимдан буён олишиб келаман. Ҳар сафар ёлғизлик ютиб чиқаверди, ютиб чиқаверди. Мен эса ундан йиқилаверман, йиқилаверман. Ёлғизлик ютиб чарчамайди, мен эса йиқилиб. Баъзан дўстларим билан суҳбатлашаётганимда уларнинг баъзи сўзларидан сўнг юрагим қаттиқ оғриб қолади. Улар ҳаётни фақат шодликдан, ўйин-кулгидан деб билишади ва ўз фалса-фаларини бошқаларга маъқулатишга киришиб кета-дилар. Мен эса оғриқ юрак билан эшитаверман. Улар-нинг сўзига беихтиёр бўйсуниб қоламан. Шу пайт ёлғизлик мени танҳо курашга чорлайди. Мен эса у билан ёлғиз курашишни ва яна ундан йиқилишни истаб қоламан...

Ҳозир ҳам ёлғизман. Ҳеч кимга бўйсунмайман. Ўзим хоҳлаган ишни, юрагим буюрган сўзни айтаман. Ўзим гапирувчиман, ўзим эшитувчи. Хоҳлаганча фикр юритаман.

Ҳозиргина қирларимни ювиб, торгина хонамга ейиб қўйдим. Мана 2 йилдирки, ўқишдаман. Қирларимни ўзим юваман, ўзим дамол ураман. Ўзгата юк бўлиб қолишдан қўрқаман, жуда қўрқаман. Менимча, дунёда энг катта мусибат ҳам шу бўлса керак... Баъзан шу-нақанги зерикиб кетаманки... қишлоққа кетиб, ялан-гоёқ тупроқ кечгим, далаларга боқиб ширин ҳаёл сур-гим келади.

Шаҳар ҳам бир ҳисобдан яхши. Биров менга ҳўжайин эмас. Кечкурунлари троллейбусга чиқиб, орқа тарафга ўтиб, қоронғилик оғушига чўмган шаҳар-га боқиб ҳаёл суришни жуда ёқтираман.

**Боғни боқсанг, боғ бўлар,
Ботмон-дахсар еғ бўлар.**

ган оғи операциядан кейин ҳам букил-майдиган бўлиб қолаверди. Жанглар эса давом этарди, ҳатто баъзида госпи-талга ҳам ўқлар егиларди. Ажал ҳиди бу ердан-да аримасди.

Шундай қилиб, 1942 йилнинг октяб-рида мазкур госпиталда даволанган 478 кишидан 7 нафар жангчига уйига қайтишга рухсат беришди. Улар ораси-да Абдужаббор ҳам бор эди. У октябр ойининг охирида она қишлоғига

даги ходим Абдужаббордан 1922 йилда тугилганлигини эшитиб, қозога 1927 йил деб езиб қўйди. Бир еги саводсиз-лик, яна бир томони соддаликдан Абду-жаббор ҳужжатидаги езувга эътибор ҳам бермади. Натижада, уни 1948 йили яна ҳарбийга чақиришади. У пайтлар ҳозиргидек тартиб-қоидалар бўлмаган. Еши тўғри келган одамни кўчада ушлаб ҳам ҳарбийга жўнатаверишган экан.

Абдужаббор яна 4 йил Ашхобода

бўлсин, уруш балосидан худонинг ўзи сақласин.

Абдужаббор бува елғиз яшайди. Ҳозир фақат охират тадоригини кўриб, тоат-ибодат билан банд. Бир оғи бу-килмаганидан намоз ўқиш учун егочдан махсус мослама ясаб олган. Отахон ана шу мосламасида саждага бош қўйиб, ешларнинг дуои жонини қилиб, умр ўтказмоқда...

Н. ЖАЛОЛИДДИН

Бекатда

АЁЛ ДЕГАНЛАРИ...

Троллейбуснинг ўртасида гаплашиб турган иккита аёлнинг биттаси ўзининг жуда барвастилиги ва шу барвастиликка мутаносиб қоматининг келишанлиги билан қараганининг диққатини тортарди. Юзлари... "Ўтган кунлар" кинофильмида Кумушнинг бошидан та-нга сочган қўда ойига ўхшарди, Офтобойнинг чеҳра-синия эслатарди.

Бекатдан янги чиққан йўловчилар орасидан ешгина аёл кулмисираб уларга яқинлаша бошлади. Барваста аёл уни кўрди: "Вой!" — деб ўз қизини учратгандек ча-рақлаб кетди, кўришдилар.

— Мана бу ширин қизини танияпсизми? — деб янги ҳамроҳининг елкасидан қўчганича шеригига юзланди Барваста аёл. Шериги "Ҳа!" ширасини қилди. Навбат-даги бекатдан Барваста аёлу Ширин қизни қолдириб, учинчи аёл хайрлашди. Шундай кейин улар иккаласи астойдил суҳбатлаша бошладилар. Кийиниши, кўриниши, ийманиб кулшларидан Ширин қизни янги келинчақ бўлса керак, деб ўйладим. Унинг юм-юмалоқ юзлари чаройлико беҳад истарали эди. Барваста аёл энгашиб келиб унинг қўлоқларига нималарнидир... жуда еқимли, дилни яйратадиган сўзларни айтса керак, Ши-рин қизнинг қўлега мойил лабларидан бутун юзига табассум ейилиб кетарди. Кейин Ширин қиз унга қисқа-қисқа жавоб қайтараётганда, Барваста аёл кўзларини катта-катта очиб тинглар, бошини еш боладек қаттиқ-қаттиқ ирғаб тасдиқларди. Кейин яна Ширин қизнинг қўлоқларига яқин келарди, Барваста аёлнинг гапларидан Ширин қизнинг кўзлари майин нурланиб, гунча лабларидан табассум юзига ейиларди...

Улар неча дақиқа суҳбатлашибди — билмайман. Ши-рин қиз манзилга етиб, тушиб қолди. Лекин шу озгина фурсат ичиди Барваста аёл сўзлаб, Ширин қиз тинглаб, мен эсам уларни зимдан кузатиб маз-за қилдим!

БОНУ

Эркин ЙЎЛДОШ,
Фарғона Давлат дорилфундуни толиби



"Меҳробдан чаён" кинофильмдан

"Зулматни тарк этиб" / "Меҳробдан чаён" / филмини кўрмаган киши бўлмаса керак. Худди ана ўша киноасарда Худоевхоннинг ролини қойилмақом

рамма жўнатишибди, тезликда Тошкентга боришимни айтишибди. Ўша пайтда акам раҳматлининг қазо қилганига ҳеч қанча вақт бўлмаган-

ни ўлган деса, бекор айтибди, ма-на у!" — дея ҳаммага кўрсатиб чиққан экан.

— Салоҳиддин ака, кейин ҳам филмларда ўйнадингизми?

— Ҳа, жами йигирмага яқин картинада катта-кичик образлар яратдим. Эл кўпроқ билганлари қирғиз киночилари яратган "Бўри ўраси" филмидаги Бобохон, яқиндагина Ўзбекистонда олинган "Тилла бола" филмидаги Бригадир образларидир. Эҳтимол одамлар бошқа ролларимни ҳам эслашар.

Салоҳиддин ака Ўш театрида ўз истеъдодини ошира бориб, 60-йилларга келиб режиссурага ҳам қўл урди. Режиссёр сифатида бир қанча тарихий ва замонавий мавзудаги спектакллари сахналашгирди. 1992 йилда у кишини она юрти Андижоннинг Йўлдош Охунбобоев номидаги драма ва комедия театрига ишга таклиф этишди. Шундан бе-

Сўнгги устун

ГАРОЙИБ РЕКОРД

Турмушга чиқиш бўйича ер юзиде «рекорд» ўрнатган аёл Линде Лу Эсееко исмли аёл бўлиб, у Индиана штатида яшайди. Ҳисоб бўйича бу хоним 21 маротаба турмушга чиққан экан.

ЭНГ УЗУН ВА ЭНГ ПАКАНА

Юр юзидеги энг баланд бўйли аёл 1982 йилгача Хитойнинг Юньнань вилоятининг Ючжань қишлоғида яшаган Сэн Чунлинь исмли аёл бўлган. Умри охирида унинг бўйи 247 сантиметр эди.

Энг паст бўйли аёл ўтган асрнинг охирида Голландияда яшаб ўтган Полин Мас-терс бўлиб, унинг бўйи бор-йўғи 61 сантиметр эди. У 19 ёшида дунёдан ўтган.

МЕТЕОРИТ ТУШДИ...

Чимкентдаги «Олбис» кичик корхонасининг қоровули тунда ғайритабиий овозни эшитди. Эрталаб эса корхона жойлашган иморат томида 20 смга яқин диаметрда тешик пайдо бўлганлиги аниқланди. Корхона ходимлари тополмаган сабабни Қозғистон Республикаси Фанлар Академиясининг Жанубий Қозғистон филиали ходимлари топишди. Уларнинг таъкидлашларича, томга 1,5 кг.га яқин оғирликка эга бўлган метеорит тушган ва ерга урилиши натижасида 13 бўлакка бўлиниб кетган. Метеорит бўлаклари Алматида ўрганиб чиқиш учун жўнатилды.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди



Тоғларда ҳали қор бор

АРТУСТ БЎЛМАГАН "ХУДОЁРХОН"

қилиб ўйнаган санъаткорни ҳамма ҳам билавермаслиги аниқ. Бу киши асли андижонлик бўлган Салоҳиддин ака Умаровдир. У 1928 йили Андижон шаҳрининг Орзиқулбек гузариде туғилган, кейинчалик ота-онаси билан Ўш шаҳрига кўчиб кетишган. Дастлаб Ўшдаги муаллимлар билим юртини, сўнгра Фарғона педагогика институтининг жўғрофия факультетини тамомлаган.

Салоҳиддин аканин театр-га кириши ҳам қизиқ бўлган. 1947 йилда Ўш ўзбек драма театрининг биносига ўт кетади. Ўйлари театр биносига яқин бўлган Салоҳиддин ака ҳам унинг қайта тикланишида катта ёрдам беради. Кунларнинг бирида "Тоҳир ва Зухра" спектаклида оммавий сахнада чиқувчи чопар аскарнинг ролига одам топилаётганлиги у кишини зўрлаб кийинтиришиб, сахнага чиқариб юборишади. "Қўлбола" артист қутилмаган даражада ролни яхши ижро этади, икки оғиз гапни ҳам одамларнинг эсида қоладиган қилиб айта олади. Шу билан уни театр режиссёри Фуломжон Исроилов мазкур санъат масканида олиб қолади.

— Аслида-ку болалигимдан санъатни яхши кўрдим, — дейди Салоҳиддин ака. — Мусиқа ва кўшиқсиз юролмасдим, лекин ростмана артист бўлиб қолиш ҳаёлимда ҳам йўқ эди.

— Кинога, хусусан "Меҳробдан чаён" филмига қандай қилиб келиб қолдингиз?

— Бу филмгача ҳам "Қирғизфилм"да бир неча асарларда катта-кичик ролларни ижро этгандим. Сиз айтган филмга эса қақаришиб, уйимга теле-

ди. Лекин отам одамларни мунтазир қилмагин, дея Тошкентга кетаверишимни мас-лаҳат берди. Бордим, аввало Худоевхоннинг бир лашкарбошиси ролини беришди. Худоевхон ролини эса машхур туркман артисти Ортиқ Жалилов /Жунайдхон образи билан танилган артист/ ижро этарди. Филмни таниқли режиссёр, устозим Йўлдош ака Аъзамов сурат-га оларди. Бу орада катта бир кадр олиб бўлинди. Мен шундай улғў одамлар билан ишлаётганимдан ғурурланиб, ролимни иложи борица яхши ўйнашга уринардим.

Ўша пайтлари кўп филмларни, айниқса, тарихий филмларни партия марказкумидагилар кўриқдан ўтказишарди. Ўша пайт хон саройида ғоз турган лашкарбоши, яъни менга кўзлари тушиб қолибди. Шунда Йўлдош акага қараб туриб, "мана, тайёр қипчоқбашара Худоевхон турибди-ку", — дебдилар мени кўрсатиб. Чунки Худоевхон қипчоқ бўлган-да.

— Шундай қилиб, хон бўлиб қолдим дегиз?

— Ҳа, эртасига ҳе йўқ-бе йўқ, ҳеч қандай тайёргарликсиз менга хоннинг кийимини кийинтиришиб, грим қила кетишди. Шу-шу хон бўлдим қолдим. Тўғри, бу сиймони яратилишда Йўлдош Аъзамов катта ёрдам берди.

Салоҳиддин ака машхур актёримиз Обид Жалиловга жуда-жуда ўхшайди. Ўшанда раҳматли Йўлдош Аъзамов у кишини хонама-хона етаклаб юриб, "ким Обид Жалилов-

ри мазкур даргоҳда режиссёр бўлиб ишлаб келмоқда. Яқинда у киши сахналаштирган "Ноёб нусха" комедиясининг премьераси бўлиб ўтади.

Бундан аввалроқ буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг сиймосини кино ва телевидениеда яратиш муаммоларига бағишланган кўрсатувда режиссёр Баҳодир Йўлдошев шундай деганди:

— Амир Темур ролини ижро этмоқчи бўлган актёр ҳеч бўлмаганда ҳазратнинг ярим тафаккур ва истеъдодида эга бўлиши керак. Тошкентдаги ва умуман мен билган актёрлар орасида ҳазратнинг сиймосини ижро эта оладиган санъаткор йўқ. Билмадим, агар вилоят театрларида шундай одам бўлмаса... Биласизми, раҳматли Обид Жалилов ҳаёт бўлганида ана ўша киши урдалаш мумкин эди бу ишни.

Мен Баҳодир аканин бу гапни эшитганимдан кейин машхур кино-режиссёримиз Йўлдош Аъзамовнинг юқорида айтганим — Салоҳиддин акани Обид Жалиловга ўхшатганлиги ҳақидаги воқеани эсладим. Қолаверса...

— Салоҳиддин ака, орзу-ниятларингиз ҳақида ҳам гаплашсак.

— Насиб этса, буюк бобомиз Амир Темурнинг кексалик пайтини кино ёки видеофилмда яратсам дейман.

Агар орзу-ниятлар, истеъдод ва улўғлар руҳининг мададлари бирлашса, иншооллох, бу ҳам бўлади-ган гапга ўхшайди. Илло ҳаёт, хусусан Салоҳиддин аканин ҳаёти ҳам тасодифлардан иборат.

Шундай қилиб, оддийгина ўқитувчи йигит "Қирғизистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвонига эришиб, "Худоевхон" даражасига кўтарилди. Энди у кишини "буюк соҳибқиронлик" кутаётган бўлса ҳам ажабмас...

Наби ЖАЛОЛИДДИН

Ола эккан оз булар,
Расо эккан соз булар



БОШ МУҲАРРИР

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:
700078, Мустақиллик
майdonи, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Алижон САҒАРОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Буюртма Г-0124. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.